

БОЛАЛАРДА ПОЛЛИНОЗНИНГ ПОЛИАЛЛЕРГИЯ ХОЛАТИДА КЕЧИШИ, КЛИНИК - АЛЛЕРГОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Маматалиев А. Б., 2 курс магистри

Илмий раҳбар: доцент Тўхтаева О.Т.

**ТошПТИ, Аллергология клиник иммунология, микробиология
кафедраси**

Долзарблиги: Поллиноз хозирги кунда бутун дунё бўйлаб шу жумладан Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган мавсумий, клиник характерга эга бўлган аллергия касаллиги ҳисобланади.

Ўсимлик чангига сенсибилизация пайдо бўлиши (поллиноз) турли клиник кўринишда бўлиши мумкин: аллергия ринит, аллергия конъюнктивит, бронхиал астма. Ўзбекистонда аллергия ринит белгиларига эга поллинозлар биринчи ўринни эгаллайди ва 88% ниташкил этади. Кейинги ўринда аллергия конъюнктивит 54,4% ни ташкил қилади.

Ишнинг мақсади. Болаларда поллинознинг полиаллергия ҳолатида кечишини ўрганиш

Материал ва услублар. Мавсумий аллергия ринит билан касалланган 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 50 та бола кузатувимизда бўлди. Илмий текширувларимизни 1 ШКБШ аллергия клиникасида олиб бордик. Аллергия ринит ташхисини қўйишда анамнез маълумотлари батафсил йиғилди, клиник, лаборатор, ва иммунологик текширув натижалари таҳлил қилиб чиқилди.

Текширув натижалари. Мавсумий ринит клиник симптомлари; бурун битиши 87,9 %, ринорея 93,7%, хид билишнинг камайиши 22,5%, бурун қичишиши, бурунда шиш, ва деярли барча бемор болаларда аксириш билан бирга полиаллергия ҳолатида асосан овқат аллергиясининг клиник симптомлари; тери қопламларининг асосан қавариқлар юз соҳасида 30,1%, баданида 28,7%, қўл оёқлардаги тошмалар 22,1% болаларда кузатилди. Бурун битиши, бурун шиллиқ қаватининг шиши, хуражли аксиришлар, шиллиқли бурундан ажралма келишининг узок вақт кузатилиши асосан касалликнинг ўрта оғир ва оғир турида кузатилди. Мавсумий ринитнинг клиник симптомлари асосан ўсимлик гули чанглари билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳар бир болада махсус аллергия билан контактга боғлиқ ҳолда кузатилди.

Хулоса. Шундай қилиб Поллиноз касаллиги болаларда асосан аллергия ринит клиник симптомлари; бурун битиши, ринорея, бурун қичишиши, бурунда ачишиш ҳисси, кўз ёшланиши. кўпинча овқат аллергиясининг клиник симптомлари билан биргаликда кечади. Доимий бурун битиши оқибатида болалар оғиз орқали нафас олиши натижасида юқори нафас йўллариининг респиратор касалликларига чалиниш хавфи ҳам ортади. Бурундаги сурункали жараёнлар хид билиш, там билиш рецепторлари фаолиятини сусайшига олиб келади. Мавсумий аллергия ринитларни эрта ташхислаш, боланинг умумий ахволини тўғри баҳолаш даволаш ва профилактика ишларини тўғри ташкил қилиш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Деворова, М. Б., and М. И. Шайхова. "Влияние реактивности организма на клинические формы респираторной аллергии у детей." Врач-аспирант 62.1.2 (2014): 255-259.
2. Деворова, М. Б. "К ВОПРОСУ ОЦЕНКИ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ, СТРАДАЮЩИХ АЛЛЕРГИЧЕСКОЙ ПАТОЛОГИЕЙ." TECHNICAL SCIENCE (2021): 41.
3. Деворова, М. Б., and М. И. Шайхова. "АНАЛИЗ ИЗУЧЕНИЕ КЛИНИЧЕСКИХ ПРОЯВЛЕНИЙ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ, РОЖДЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ, СТРАДАЮЩИХ АЛЛЕРГИЧЕСКОЙ ПАТОЛОГИЕЙ." Spirit Time 4-1 (2020): 76-78.
4. Деворова, М. Б. "СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА АЛЛЕРГИЧЕСКИЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ У ДЕТЕЙ, РОДИВШИХСЯ ОТ МАТЕРЕЙ С АЛЛЕРГИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ." MEDICAL SCIENCES (2020): 17.
5. Волков, Сергей Каренович. "Вертебрально-базиллярная недостаточность: клинические и диагностические аспекты." Неврология, нейропсихиатрия, психосоматика 2 (2010): 33-39.